

ЎЗБЕК ПАРВОЗДА



Баҳор келиши билан республика ДОСААФ авиация спорт клуби ишлари жонланб кетди. Парашютчи спортчилар бўлажак мусобақаларга пухта тайёргарлик кўришмоқда. Яқинда ўтказилган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кубоги мусобақаларида республикамизнинг энг кучли парашютчилари қатори Урта Оснб ва Қозғистон республикалари вакиллари ҳам қатнашди. Сурада: (унгда) врач Л. Сазонова парашютчи спортчиларни сўнгги тенширувдан ўтказмоқда. (чапда) парашютчиларни олган самолёт парвозда.

Р. ШАМСИДДИНОВ
фотолари,
(УСТАТ).



МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

✦ Бекобод районидagi 3-«Далларзин» совхоз марказида жойлашган биринчи кутубхона адабиётларга бой. Мазрифат ўчоғига энёкор Тошиқон опа Иброимова мудирилик қилади. Унинг шу касбада ишлаш бошлаганига 20 йилча бўлиб қолди.

Ҳозир бу ерда 4 мингга яқин турли адабиёт бор. Яқинда кутубхонага яна 1000 сўмлик китоблар сотиб олинди.

Х. ТУРАҚУЛОВ.

✦ Пойтахтдаги Абдулла Авлоний номи маҳалла комитети ҳузурида турмуш ва маданият университети ташкил этилган. Университетга маҳалла активлари, 73-мактаб ўқитувчилари ҳамда Низомий номи Тошкент «Давлат педагогика институтининг олимлари» яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Университетнинг машғулотида тинчловчиларга жуда манзур бўлмоқда. Бола тарбияси оид темадаги сўхбатлар ҳам қизиқиб билан тинчланмоқда.

Қ. МАЛИКОВ.

Спорт

ОЛИЙ ЛИГАДА ҚОЛИШДИ

Тошкентнинг «Автомобилчи» волейболчи қизлари СССР чемпионати олий лигасида ўтказилган мусобақаларни муваффақиятли якунладилар. Улар биринчи бор кучлилар даврасида қатнашиб, мамлакатнинг сажизта етакчи коллектив сафида қоладилар. СССР чемпиони олтин медаллари Москванинг «Динамо» командасига насиб этди. Иккинчи ўринни ЦСКА спортчилари, учинчи ўрин ва бронза медалларини Вокунинг «Нефтчи» волейболчи қизлари қўлга киритдилар. Тошкентликлар 6 очко билан еттинчи бўлишди.

БАБАБЕКОВА ЧЕМПИОН

Ўзбекистон XV чемпионатининг сўнгги мусобақалари қизғин кураш билан ўтди. Узоқ вақт биринчи ўринда келган тошкентлик Н. Волховская самарқандлик биринчи разрядли З. Бабабековани олдинга ўтказиб юборди. Охириги турда Бабабекова ургечлик Р. Ким билан дураш ўйнаб, биринчи ўринни олди ва рус шашкиси бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Утган йилги биринчилик голиби фарғоналик мастерликка номзод З. Сафина ундан ярим очко орада қолди. Ўзбекистон совиқ чемпиони тошкентлик П. Гольдшмидт учинчи ўринни эгаллади. Ана шу уч шашкис мамлакат биринчилигининг ярим финалида қатнашиб ҳуқуқини қўлга киритди.

Эрақлар ўртасида Тошкент чемпионати ҳам туғди. Пойтахт чемпиони номини биринчи марта мастерликка номзод Н. Мартель эгаллади.

ЯНГИ ЖАҲОН РЕКОРДИ

Ярим оғир вазилда штангачилар ўртасида москвалик студент Е. Пеньковский янги жаҳон рекорди қўйди. У 208 килограмм оғирликдаги штангани толқок машқиди қўлдан ва совет полковни Д. Ригерт кўрсаткичини 0,5 килограммга яхшилади.

МАОРИФ АЪЛОЧИСИ

Сухбатимиз ёш авлоднинг тарбияси соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва жонқувар педагогларнинг ибратли ишлари ҳақида борамди. Сухбатдошимиз ўзи директорлик қилаётган мактаб таърибисини мисолида қизларнинг мисолларини келтирдим.

Билим ўзғарида 32 ўқитувчи ишлайди. Кенг ва ёруғ синфларда 20 миллат ёшлари таълим олмақда. Булар руслар ва ўзбеклар, украинлар ва тагарлар, белоруслар ва яхудиелар, қозоқлар ва тоңкилар, озарбайжонликлар ва қирғизлар... Уларни худди катта аҳил олимнинг аъзолари дейсиз. У асабига меҳр қўйган таърибали педагоглар билан бир қаторда ёш ўқитувчилар ўқувчиларнинг яхши билим олиши, билимдон надрлар бўлиб етишиши учун ҳаранат қилмоқдалар. Таълим тарбия ишларининг ҳаммасига ўртоқ М. Калантаров бош-қош. Устоз педагог бутун билими, кучи ва гайратини ёш авлоднинг тарбияси ишга сарфлаб келмоқда. У ўзининг 60 йиллик

умрининг деярли 45 йилини қувноқ ва бахтирлар, педагоглар ва халқ маорифи ходимлари орасида ўтказиб келмоқда.

Эл-юрт бошига оғир таъвизи тушган уруш йиллари М. Калантаров кўнгилли қатори Ватан мудофасига отланди. У 89-ўзбек жангчилари бригадаси сафида ёвуз душманларга қарши мардонлар жанг қилди. Собиқ жангчи Сталинград учун бўлган шиддатли курашини, генерал Собир Раҳимов билан бўлган ҳаяжонли учрашувини ҳамон кечагидек эслайди. Ватан ҳимояси йўлида қилган жанговар фаолияти муносиб медаллар билан мукофотланди. М. Калантаров бутунги кунда Улуғ Ватан урушининг ветерани сифатида ёшларга ўз хотираларини ҳикоя қилиб бермоқда, унрашувларда шонли Қуролли Кучларимиз ва унинг қаҳрамон жангчилари ҳақида кўрган билан сўзлаб бермоқда. Михаил Калантаров фронтдан қайтиб келгач, яна ўзининг се-

вими насбиди ишлаш бошлади. У 1946 йилда Октябрь районидаги 46-ўрта мактабга директор этиб тайинланди. Укув-тарбия ишларини янада яхшилаш йўлида жонқуварлик кўрсатди, район ва шаҳар халқ маорифчилари орасида ҳам актив жамоатчилардан бири сифатида танилди. Мактабда ташкил этилган ота-оналар лекториясининг раҳбарлигида иш олиб борди.

Муносиб ўринбосар кадрлар тайёрлашда директорнинг хизматлари катта. Унинг устозлик меҳрига қонган Г. Красночечков ҳозирда Тошкентдаги 165-мактабда директор бўлиб ишламоқда. Н. Теренкулов 132-мактабнинг илмий бўлим мудири, А. Карпенко — Тошкент области ўқитувчилар малакасини ошириши институтининг методисти.

Мактабнинг ўқувчиларидан бир неча киши ҳозир новатор педагоглар, таърибали олимлардир. Унинг қўлида тахсил кўрган Нодир Юсуфбеков техника фанлари доктори, Тош-

кент политехника институтининг автоматика кафедрасига мудирилик қилмоқда. Физика-математика фанлари номини М. Комилов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтига, техника фанлари кандидати Анвар Каримов Тошкент политехника институтига кафедра мудири, медицина фанлари кандидати Анвар Мақсудов ТошМИда ўқитувчи бўлиб ишламоқдалар.

Партия ташкилоти тошриқчилари, жамоат ишларини у ҳамisha сидқидилдан бажариб келади. Қўп йиллар давомида район халқ маорифи бўлими бошланғич партия ташкилотининг секретари бўлди, район солиқни сақлаш бўлими партия маорифи ўқувчи системасида мунтазам пропагандистлик қилди.

«Маориф аълочиси» нишонига сазовор бўлган коммунист ва актив жамоатчи педагог ўзининг бутун билим ва таърибасини халқ маорифига сарф этаверади.

Х. УМАРОВ.

Дунё хабарлари

Жиддий хавф

27 март. (ТАСС мухбири). Ғарбий Европа мамлакатларидаги гидробиологлар табиий хатар бошланғич мумкинлигини дарак бермоқдалар. Европа мамлакатларида ўтган йил кудан бери жуда кам миқдорда ёғин ёқиб келгани натижасида катта халқ ҳўжалик аҳамиятга эга бўлган бир қанча дарёларнинг суви анча камайиб кетди. Европанинг Рейн, Сена, Дунай сингари муҳим дарёларида суви камайиб кетганини айниқса жиддий оқибатларга олиб келди. Ҳозир шу дарёдаги сувларнинг миқдори ўртача норманинг ярмисига ҳам етмай

қолди. Натижада кема қатновли қийинлашиб қолди. Баъзи жойларда эса бутунлай тўхтаб қолди.

Оқар сув миқдори ҳозиргидек сақланиб турган пайтда суви камайиб бораётганини натижасида дарёларнинг бўлағини ҳалокат келтирарли даражада қўлайиб кетди. Бунинг натижасида дарёдаги жониворларнинг қирилиб кетиши ҳавфи кучайди. Австрия матбуотида босилган хабарларга кўра, Рейн дарёси суви таркибидagi кислороднинг таркиби барча тирик организмлар учун керакли бўлган энг кам миқдордан

ҳам озайиб кетган. Мутахассислар Рейн дарёсида умуман ҳаёт қандай сақланиб турганига ҳайрон бўлмоқдалар.

Альп тоғларидан қорлар апрель-май ойларида эрий бошлади. Аммо мана шу қор суви бўлган умид ҳам катта эмас, чунки ўтган қиш давомида бу тоғларга қор ҳар йил ўртача миқдордан анча кам ёғди. Хуллас, аҳвол чатоқ. Мутахассислар ҳам бунинг пложини топа олмай ҳайрон. Улар баҳор-ёз фаслиларида кўпроқ ёғин ётиб қолганини, деб метеорология соҳасида мужил бўлган энг кам миқдордан

Ҳинди-хитой ватанпарварларининг муваффақиятлари

Ватанпарварларнинг Американга агрессорларига ва уларнинг малайларига қарши олиб бораётган жангларда эришган муваффақиятлари тўғрисидаги маълумотлар Ҳинди-Хитой фронтларидан келиб турибди.

Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари 15 мартдан 19 мартгача ўтган давр ичидa Данаг районидa душманнинг бир қанча таянч позицияларига ҳужум қилдилар. Ватанпарварлар жанглар чоғида душман солдат ва офицерлардан 150 дан кўпроқ кишини сафдан чиқардилар, 6 ҳарбий машинани яқсон қилдилар.

Жанубий Вьетнам озодлик кучларининг жангчилари 16 мартда Митхо, Тхузаумот ва Барна виллоятларида кўнрақ режими армиясининг базаларига зарбалар бериб, 100 га яқин ҳарбий хизматчиларни ўлдирдилар ва ярадор қилдилар. Душманнинг 10 дан ортқ ҳарбий машинасини шинаслантирдилар ва икки кемани сулга қўқтириб юбордилар.

Халқ озодлик қуролли кучларининг жангчилари 16 мартга ўтар кечаси Данаг-Хюэ темирйўл магистралда душманнинг ҳарбий эшелонини портлатдилар.

Камбоджа ватанпарварларининг қўлга киритган ғалабалари тўғрисидаги маълумотлар келиб турибди. Ҳозирги вақтда Кампонгтам районидa қаттиқ жанглар олиб борилмоқда. Ватанпарварлар 27 мартга ўтар кечаси Пномпенда 120 километр нарида жойлашган ҳукумат қўшнларининг позицияларига ракета ёғдирдилар ва миномёт отдилар. Ана шу операция чоғида душман катта талафот қўлди.

Ватанпарвар кучлар Лаосдаги турли фронтларда муваффақиятли операцияларни ўтказмоқдалар. Лаос — халқ озодлик армиясининг жангчилари сўнгги кунларда душманнинг Лонгченг базасидаги позицияларига узлуксиз ҳужум қилмоқдалар. (ТАСС).

Суд бошланди

27 март. ТАСС мухбири Э. Баскаков хабар беради: Бутун Сан-Хоседа (Калифорния штати) америкалик аёл коммунист Анжела Дэвис «иш» боасида суд бошланди. Маълумки, Анжела Дэвиснинг «одам ўлдиршга аралашган» деган тўхмат билан айблamoқдалар.

Қўшма Штатлардаги бутун тараққийпарвар жамоатчилиги Сан-Хоседа ўтказилган судни негрларнинг гражданилик ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатида актив қатнашган, мамлакатда ҳукмрон бўлиб турган иррий ва социал ағзим системасини қаттиқ қоралаётган Анжела Дэвисдан Америка реакциячилари ўч олиш учун қилинаётган уриниш деб қисоламоқдалар.

Суднинг дастлабки мажлисларида таллаб олинган суд жюриси ҳайъатида негрлардан бирорта киши йўқлиги тасодифий эмас. Ваҳоланки, америкалик бу коммунист аёл мана шу негрларнинг манфаатлари учун тинмай курашди. Прокурор А. Харрис суд маслаҳатчилигига сайланш учун кўрсатилган 150 номзод жум-

ласига негр халқининг бирдан-бир вакили қилиб киритилган Ж. Хэмилл деган негр аёлини жюри ҳайъатидан чиқариб юборди. Судья Р. Ариссон эса бунга туққ етмай прокурорга ўзининг ҳайрихоҳлигини билдирди.

Америка коммунистларига ва негрлар ҳаракатининг активларига ҳайрихоҳ бўлган, Анжела Дэвиснинг «ғуноқор» эканлигига шикоятланган америкалик уч киши ҳам Харриснинг ҳаракати билан номзодлар рўйхатидан чиқартириб юборилди.


Хуллас, Калифорния реакцияси жюрини асосан оқ танли аҳолидан бўлган, ирқчилик кайфиятидаги бадавлат кишилардан сайланишга муваффақ бўлди ва шу тариқа бу шармандали суднинг натижаси нима билан якунланишини суд бошланмасдан олдинноқ ҳал қилиб қўйишга уринди. Буржуа матбуоти суд тўғрисида авжга чиқараётган оқидан-оқид антикоммунистик пропаганда ва шов-шувлар ҳам, Сан-Хоседаги суд маъмурлари мисли бўлмаган «хафизлик чораларини» кўр-

ганликлари ҳам мана шу ғаразли мақсадларга хизмат қилмоқда.

Реакционерлар Анжела Дэвисни судни ва терговни ўн олти ой қамонда сақлаб ва афкор омманинг газиниқ остида уни яқинда гаровга қамондан бўшатиб, бу коммунист аёлдан оқилинган уриниш давом эттирмоқдалар.

ДАККА. Бангладеш республикаси аҳолисига Европанинг кўпгина социалистик мамлакатлари яқиндан ёрдам бермоқда. Сурада: махсус рейс билан ГДРдан келтирилган юкларни тушириш пайти.

ТАСС фотохроникаси



Мамлакатлар одамлар воқеалар

Президент А. Садатнинг айтганлари

27 март. (ТАСС) Миср президенти Анвар Садат Мерса-Матрух шаҳри сийси ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳузурида сўзлаб таъкидлади, ҳозирги вақтда Миср ўз тарихида энг мураккаб босқичлардан бирини бошдан кечирмоқда. Ҳозир бизнинг, деди у, душманмиз. Исроилгагина эмас, шу билан бирга Исроилга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиб турган Қўшма Штатларга ҳам қарши туришимизга тўғри келмоқда. АҚШнинг яқин Шарқдаги сийсати арабларни қўқитиш, уларни тақдирга тав бердириш ва курашни давом эттириш фикридан қайтишларига қаратилгандир. Аммо, деб таъкидлади А. Садат, биз босиб олинган араб территорияларини озод қилишга маҳкам бел боғлаганимиз ва шуни деб ҳар қандай ўрбонлар беришга тайёригимиз. Душманларимизнинг таҳдидлари бизни қўқитмаслиги керак. Биз бир онла бўлиб яшамогимиз, ҳамма куч-қувватларимизни бўлажак курашдаги ғалаба учун ватанамизни иқтисодий ривожлантириш ишига сарфлагимиз лозим.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ

Реклама Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
Ўқувчиларнинг каникул кунларида
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.55 — Кўрсатувлар програм. маси.

Ўзбек тилида: 10.00 — В. И. Ленин номи Бутунитифоқ пионер ташкилотининг 50 йиллиги олдига, «ДОИМ ТАЙЕР», 10.30 — Звездочка (киноқўрсатув рус тилида), 11.10 — «Оқ флюгер» (бадий фильм).

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

12.30 дан — Москва кўрсатади, 17.55 — Кўрсатувлар програм. маси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун мультипликацион фильм, 18.05 — «Ешлик» студияси кўрсатади, «Ўзбекистон комсомоли», 18.40 — Сафар таассуротлари, 19.00 — «Ахборот» информацион программаси, 19.15 — Ленин йўлидан, «СЪЗДАН СЪЗДАЧА» (ҳўжонатли фильм).

Ўзбек тилида: 20.15 — «Ахборот» информацион программаси, 20.30 — Еш ижроичилар концерти, 21.15 — Миллионлар ленинча университети.

21.30 дан — Москва кўрсатади.

МАТЕМАТИКА

Математиканан консултация, 21.50 — Оренбург рус халқ хорининг концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.05 дан — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.30 — «Жанговар атеизм», 22.10 — «Дирижёр» (реклама), 22.30 — Тошкент Давлат консерваторияси студентларининг концерти. (Марказий телевидение учун тайёрланган кўрсатуви).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
Ўқув программаси

Ўзбек тилида: 20.00 — Эстетика асослари, 8—10-синфлар, «Сағнаг турлари», Адабиёт, 20.40 — Юқори синфлар учун биология, «Ерда органик дунёнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши», 21.20 — 4-синф ўқитувчи.

СВЕРДЛОВ НОМИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 МАРТ КЕЧ СОАТ 8 ДА
КОНЦЕРТ
КАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артистлари:
ҚўНДУЗ МИРКАРИМОВА,
МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА
Ўзбекистон Ленин комсомоли мунофоти лауреати ДИЛБАР ФАЭЗОВА.
Солистлар: Дилором ҚАЙУМОВА, Шариф СУЛТОНОВ, Алижон ҲАСАНОВ, Гулшод ОТАБЕКОВА, Қизилқор ДУСТМУҲАМЕДОВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Тельман ҲАСАНОВ.
«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ
Программани: Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

„БАҲОР“ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1, 2 АПРЕЛЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ЕШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА
КАТТА КОНЦЕРТ
КАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, ЖУМАНАЗАР БЕКЖОНОВ, ТАМАРА ЮНУСОВА;
Солистлар: Ҳасан ЙУЛДОШЕВ, Шерали ЖУРАЕВ, Азиза ТУЛАГАНОВА, Собир МАҲКАМОВ, Анвар ЙУЛДОШЕВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани: ҒУЛОМ ТОҶИ-АЪЛОЕВ олиб боради. Билетлар сотилмоқда.